

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган аскарлар тантанали кузатилди



Термиз туманида жойлашган ҳарбий қисмларнинг бирида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган аскарларни кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Кузатиш маросимида сўз олганлар ўз йигитлик бурчини муносиб ўтиб, уйларига ёруғ юз билан қайтаётган аскарларни қутлаб, уларнинг келгуси фаолиятига зафарлар тилашди.

Шунингдек, хизмат давомида ўзининг намунали хулқи, ташаббускор ва зукколиги, спорт мусобақаларида фаол иштироки учун бир гуруҳ аскарлар ва уларнинг ота-оналарига ҳарбий қисмнинг ташаккурномалари топширилди.